



## ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

### ВЕСТНИК НУУз

### АСТА NUUz

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ  
1997  
ЙИЛДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН**

**2021  
1/4/1**

**Ижтимоий-  
гуманитар  
фанлар  
туркуми**

Бош муҳаррир:

**И.У.МАДЖИДОВ** – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

**Р.Х.ШИРИНОВА** – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

Сағдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Тўхтаев Х.П. – ф.ф.н., доц.

Болтабоев Х. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддикова И.А. – фил.ф.д., проф.

Ширинова Р.Х. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

**ТОШКЕНТ – 2021**

Турсунмуратов Т. О некоторых аспектах двусторонних и многосторонних отношений европейского союза с республикой Узбекистан.....	200
Убайдова В. Ўзбекистонда экспортбоп енгил саноат махсулотларини ишлаб чиқаришда нақшбандия таълимотини қўллашнинг услубий асослари.....	203
Усмонов С. Жамиятда ижтимоий-маданий барқарорликни таъминлаш ва миллатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг мутаносиблиги.....	207
Хайдаров И., Хайдарова С. Ички ишлар органлари ходимларини жисмоний ҳамда рухий тайёргарлиги психологик муаммо сифатида.....	210
Хайдарова А., Хайдаров Х. Виртуал фуқаролик жамияти концепциясининг фалсафий меъзонлари.....	213
Khodjaeva U., Rashidov A. Development of artistic skills, creative ideas and ideas of future designers.....	216
Холиков А. Қўришда нуксон бўлган битирувчи ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш ва хавфсизлик кондалари.....	219
Холиков С. “Дифференциал тенгламалар” бўлимидан амалий машғулотларини ташкил этишда case-study технологиясидан фойдаланиш.....	221
Хуртамов А., Azimqulov S., Yadgarova N. Informatika darslarida o'yin texnologiyalari.....	225
Эшназарова Г. Нутк ўстириш – болалар китобхонлигини таркиб топтириш омилли сифатида.....	229
Эшонқулов Л. Эстетик тафаккур тараккиётида ҳажвийлик (кулгилилик) категориясининг шаклланиши ва ривожланиши.....	232
Юлдашева Д. Педагогик дастурий воситалардан фойдаланган ҳолда хорижий тилларни ўқитишнинг интерактив усуллари (тўқимачилик ва енгил саноат соҳасидаги мутухасислар тимсолида).....	236
Юсупов Э. Физика фанини ўқитишда smart-технологиялардан фойдаланиш.....	241
<b>Филология</b>	
Абдукабирова Д., Қодирова Н. Фразеологик бирликларнинг инглиз ва ўзбек тилларида таржима қилиниш тараккиёти.....	243
Abdullayeva O. Korpus lingvistikasida lemmalashirish, stemming va tokenlashtirish jarayoni.....	246
Ахмедова А. Динахрон аспектда ўхшатишлар тадқиқига доир илмий назарий қарашлар.....	250
Бахромова М., Тураева Х. Ўтқир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” асаридаги касаллик турлари ва уларнинг лисоний тавсифи.....	254
Бойназарова Н. Ўзбек терминларининг шаклланиши ва унинг фольклордаги ўрни.....	258
Vafoyeva M., Sayfiddinova J. She'riy asarlarda lug'aviy birliklarning qo'llanilishi haqida (4-sinf “o'qish kitobi” misolida).....	259
Zhenxin Da. O'zbek va xitoy tillari fonetik tuzilishining qiyosiy tahlili.....	261
Джалалова З. М. Драйтен шеърятда фитонимларнинг рамзий маънолари (“The Muses of Elysium”, lumphal 5нинг 6-банди тахлили мисолида).....	266
Jo Min Young. Особенности сравнения узбекского и корейского языков и процесс расширения значения выраженной сравнения.....	269
Жумаев Т. Ўзбек тили морфемаларида шакл ва маъно номуносаблги.....	274
Жўмаева Д. “Юсуф Ва Зулайхо” дostonларининг ғоявий-мавзувий тараккиёти.....	278
Зайнобиддинова Н. Ибн Синнинг “Ҳайй ибн Яқзон” ва Жалолиддин Румийнинг “Маснавий” асарларида ақл ва нафс муносабати.....	281
Зонрова А. Феминизмнинг пайдо бўлиши ва унинг жаҳон адабиётига таъсири.....	286
Ibratov B. Ingliz va o'zbek tillarida ism-sharif onomastikasining tarjima muammolari.....	290
Икромов Н. Тилшуносликда матн мавзуси ўрганилишининг тарихий ахамияти ҳақида.....	294
Комилова Д. Инглиз ва ўзбек тилларида “тадбиркорлик фаолияти шакллари” тизми ва уни таржима қилиш усуллари.....	298
Қурбонова Г. Оламнинг бадний ва мнлий манзарасининг ўзаро боғликлиги.....	301
Mamajonova N. Lug'at o'qitishda tavsiya qilinadigan metodlar.....	304
Mamurova M. Linguocultural peculiarities of culinary terms in the English and Uzbek language.....	307
Муратова Д. Туризм ва терминология.....	310
Musulmonova K. Lingvistik ekspertizaning metodologik masalalari.....	313
Саидова Ф. Лексикада даражаланиш конуниятининг тилшуносликдаги ўрни ва ўрганилиши.....	316
Сергеева Э. Функция художественного пространства в романе Андрея Волоса «Возвращение в Панджруд».....	319
Собирова Д. Қўшма гаплар орқали ифодаланган стилемалар (антитеза ва хиазм)нинг структурал-семантик турлари.....	322
Ҳакимов Х. Мехмонхона бизнеси терминологиясининг структур тахлили.....	329
Ҳакимова М. Ўзбек тилида сифат туркумининг маъновий гуруҳлари.....	332
Холбоева Д. Ingliz va o'zbek tillarida “turizm” terminlar tizimining lingvokulturologik xususiyati.....	336
Sharipova S. XIX asr birinchi yarmi yozma yodgorliklarida adabiy til muammosi.....	340
Erdem A. O'zbek tilidagi oila a'zolari bilan bog'liq maqollar tadqiqi.....	344



УДК: 81' 82- 82.0

**Матлуба БАХРОНОВА,**  
Бухоро давлат университети  
Инглиз адабиётшунослиги кафедраси ўқитувчиси  
Email: bakhronova.matluba@bk.ru  
**Хуришда ТУРАЕВА,**  
Бухоро давлат университети  
Инглиз адабиёти ва стилистика кафедраси ўқитувчиси  
E-mail: uqituvchi1009@gmail.com

БДУ доценти, ф.ф.ф.д. (PhD), Ахмедова М.Б. тақризи асосида

### ЎТКИР ҲОШИМОВНИНГ “ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ” АСАРИДАГИ КАСАЛЛИК ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЛИСОНИЙ ТАВСИФИ

Аннотация

Мақолада бутунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири касалликлар мавзуси, бадний адабиёт ва тиббиёт соҳаларининг ўзаро алоқаси асардан олинган парчалар ва уларнинг ишлатилиши таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** касаллик, зотилжам, хасталик, лингвокультурология, тиббиёт.

### TYPES OF DISEASES AND THEIR LINGUISTIC DESCRIPTION IN UTKIR HOSHIMOV'S "DUNYONING ISHLARI"

Abstract

The article analyzes excerpts from the work and their use, one of the most pressing issues of today is the topic of diseases, the interaction of fiction and medical fields.

**Keywords:** disease, pneumonia, disease, linguaculturology, medicine

### ТИПЫ БОЛЕЗНЕЙ И ИХ ЛИНГВИСТИЧЕСКОЕ ОПИСАНИЕ В "МИРОВЫХ ДЕЛАХ" УТКИРА ХОШИМОВА

Аннотация

В статье анализируются отрывки из произведения и их использование, одной из самых актуальных проблем современности является тема болезней, взаимодействия художественной и медицинской сфер.

**Ключевые слова:** болезнь, пневмония, болезнь, лингвокультурология, медицина.

**Кирриш.** Дунё тилшунослигида тиббиёт лексикасининг шаклланиш омиллари, маъновий гуруҳлари, функционал жиҳатлари, миллий-ментал хусусиятлари, соҳа терминологияси, тиббий эвфемизмларнинг тил ва нутқдаги ўрни масалаларига антропологик, концептуал, этносоциал аспектда катта аҳамият қаратилмоқда. Шу каторда касаллик номларини ифодаловчи лексик бирликларнинг турли тизимли тилларда тугган ўрнини, келиб чиқиш асосларини, тарихий ва замонавий катламларини, оғзаки ва ёзма бадний нутқда лингвокультурологик жиҳатларини, улардаги ўхшаш ҳамда фаркли кирраларни аниқлаш ечимини кутаётган долзарб вазифалардан бўлиб турибди.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Ҳар бир халқнинг ўзига хос тафаккур тарзи, дунёқараши, таъбабат ривожига алоқадор маданий ва маънавий тушунчалари, ҳаётини тажриба ҳамда урф-одатлари акс этиб тургани каби ўзбек тилида касаллик номларини ифодаловчи лексик бирликларнинг оғзаки ҳамда ёзма бадний нутқда қўлланилишига хос лингвокультурологик ҳамда этносоциопрагматик хусусиятлар мавжуд. Касаллик мавзуси танадаги руҳий бузилишнинг метафораси сифатида ёки ижтимоий касалликлар рамзи сифатида замонавий адабиётда кенг тарқалган. Касалликнинг аллегорик мавжудлиги қадимги юнон драматурглари томонидан кузатилган ва ўрта аср ёзувчилари томонидан ишлатилган бўлса-да, бу мавзу романтиклар ва уларнинг издошлари томонидан янада кенгрок ёритилди. Сўнгги 40 йил ичида адабиёт ва тиббиёт соҳаси муттасил ўсиб бориб, тиббий ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги гуманитар

соҳанинг муҳим таркибий қисми сифатида ўз ўрнига эга бўлди. Адабиёт ва тиббиётнинг кесишиши соғлиқни сақлаш, касаллик ва парвариш масалалари хусусидаги қарашларимизни, айниқса, ташхис қўйиш, даволаш, даволаниш, шифокор билан бемор ўртасидаги муносабатлар, инсон соғлиғи ва касаллиги тўғрисидаги маълумотлар аҳамиятини намоён этади.

Касаллик белгиларининг ўзгариши содир бўладиган вақтда, айнан, адабиёт зийрак тортириш функциясига эга бўлиши мумкин, чунки қаҳрамонларни тасвирлаш ва воқеалар ривожини ҳикоя қилиш қобилияти ҳикоя адабиётининг катта ютуғи ҳисобланади. Фикримиз далили сифатида қуйидаги маълумотни келтиришни жонз, деб билдик: “Касалликларнинг ифодаланиши бу адабиётнинг кучини билдирувчи ҳиссиётни уйғотиш, туйғуларни ифодалаш ва турли тажрибаларни келтириб чиқариш қобилиятидир[1].”

Ҳақиқий ва ҳаёлий касалликлар бадний адабиётда муҳим роль ўйнайди, бунда вабо, сил, иситма каби касалликлар қўплаб манбаларда, китоб ва фильмларда намоён бўлади.

Ўзбек замонавий адабиётида шоир ва ёзувчиларнинг касалликларга лисоний жиҳатдан ёндашишига гувоҳ бўлиш мумкин. Қуйида бир нечта мисолларни Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” мисолида келтириб ўтмоқчимиз.

“Гилам пайпоқ” ҳикоясида она ўз жигарбандини касаллик хавфидан ҳалос қилиш учун ҳар нарсага, ҳатто жонини беришга ҳам тайёр. Она қаттиқ шамоллаб қолган боласини кўтариб шоша-пиша “Вой, энди нима қиламан!



Вой, болам ўлиб қолади!" деган тахлика билан халлослаганча, табиб Ҳожи бувининг уйига югуради. Бола дарддан бироз энгил тортгач, ўз соғлигини хавф остига қўйгани – оёғини совуқка олдиргани маълум бўлади. Ёзувчи касаллик тарихини, келиб чиқиш сабаблари ва омиллари кўрсатибгина қолмасдан шу хасталик билан боғлиқ воқеаларни ҳам хикоя қилган:

Унинг оёғи касал. Салкин тушиши билан шишиб к етади, оғрийди. Қўни-қўшнilarахвол сўраса, уларниям, ўзиниям юпатади. Ҳа, энди кексаликда, ўргилай. Лекин онаминг **оёк оғриғи** фақат кексаликдан эмас. Буни бошқалар билтмаса ҳам, мен биламан. Яхши биламан.

Энди нима киласиз? Қарганинг миясини чакиб сур масангиз, **чўлок** бўлиб қоласиз[2].

Хикоядаги воқеалар ривожини, уларнинг мазмун-моҳиятини, таъсир кучи хали бу билан тугамайди. Ўлаётган боласи учун бирор нажот йўлини топа олмаган она кўшни кампирнинг маслаҳати билан томоқ оғриғи кийнаётган ўғлини киши чилласида пойчанг қўчага олиб чиқади. Лекин она ўз оёғидан беҳабар фарзанд доғда қуяди. Айнан мана шу ҳақиқатни теран англаган Мунавварқори Абдурашидхонов, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Авлоний, Ўткир Ҳошимов сингари жадидчилар эл-у юрт дардини энгиллатиш, уни маърифатга ошно этиш, илм-у маданиятини юксалтириш, охир-оқибат мамлакатни истиклолга олиб чиқиш учун курашни йўлида қурбон бўлишди. Ўткир Ҳошимовнинг мазкур асариди мулоҳазага ундайдиган парчалардан қўлаб мисоллар келтириш, мулоҳазаларни давом эттириш, хикоя мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англаб этиш, ёзувчининг бадний олами сирларини кўз олдимизда гавдалантириш мумкин.

Адибнинг хикояларига бир қатор мазмунни сиғдира олиши, ҳар бир сўз, жумла устида чуқур фикр юритиши унинг маҳоратидан далolat.

Ия, Тойиржон сизнинг укангиз-ку! – Нисо хола астойдил ажабланди. Кейин маънос тортди жимиб қолди-да, хўрсинди. – Ўшанда сиз **талпинчок** бўлиб қолган эдингиз. Тойиржоннинг чилласи чиқмаган... Худонинг ҳам бандаларига атаган азоби қўп экан. Бир кечада касалга чалиниб қолдим. Қўқрагимга **ёмон ярачки**, кирқун “олкет, олқўй” бўлиб ётибман денг... Айни қаҳатчилик, уруш, биров бировга холинг нима кечди, дейиши маҳол... Ўзим-ку, майли, болам ўлиб қолади, дейман.

Йўк, Ҳабиба буви **зотилжам** бўп қопти. Ўзини йўқмиш. Қўмир обориб берамиз. Бултур ўзимизнинг ўтинимиз қолмаганида қанақа ахволга тушганимиз эсимдан чиққанмас. Шунинг учун бўлса керак, бу йил дадам кўмирни яхшилаб қамлаб қўйган эди[3].

Ўтган асрнинг дастлабки йилларида Чор Россияси томонидан босиб олинган ўлкамиз иқтисодий, маданий ҳаёти пароканда бўлган. Аҳоли, ниҳоятда қашшоқ ҳолда ҳаёт кечирган, аксарият бойликлар четга ташиб кетилган. Қишлоқлардаги дехқонлар, шаҳарлардаги хунарамандлар кун бўйи қилган оғир меҳнати эвазига жуда оз ҳақ олишган. Оила боқиш, унинг кам-қўстини бутлаш, фарзандларни ўқитиш масалалари халқни ўта қийин ахволга солиб қўйганди. Иқтисодий ночорлик аҳоли турмуш даражасининг тобора пасайиб боришига, турли касалликлар кенг тарқалиб, оддий бегоблик ортидан нисонларнинг бевақт ҳаётдан кўз юмиб кетишига сабаб бўлган. Ўлкада тиббиёт масалаларини ҳал этишга деярли эътибор берилмас, фақат чор амалдорлари, харбийлари ва маҳаллий бойларгина малакали тиббиёт хизматидан фойдаланиш имкониятига эга эди. “Дунёнинг ишлари” асариди бу мисоллар, иложсизлик, ёрдам умидининг йўқлиги китобхон ўқувчини асар қаҳрамони ва унинг

оиласи билан бирга қайғуришга, инсон боласининг увол бўлаётганидан надомат чекишга ундайди.

Ўзимга эмас, мана бу болага оляпман. Эски чопонли киши уф тортди.

Рангини қаранг, бола бечорани! Касалдан янги турган: **свл!**

Ойим ҳам, мен ҳам болага тикилиб қолдик. Ҳали дўпписига қарабман-у, ўзига қарамаган эканман. Бола чиндан ҳам рангсиз, катта-катта кўзлари одамга маънос-маънос бокарди[4].

Қўриниб турибдики, ҳаётдаги ҳодиса хикояда хийла кескинлаштирилган. Ёзувчи фактни бекорга ўзгартирган, уни атайин кескинлаштирган эмас, у ҳодисага ўзгартриш киритаётганда ҳаёт мантиғига, баднийат қонуниятига асосланган, ҳаёт ҳақиқати моҳиятини мукамалроқ, таъсирчанроқ ёритмоқчи бўлган. Жаҳолат ҳукм сурган шаронгда умр кечирган, бошига мусибат тушган, қўли қиска, қашшоқ бир оиланинг ночор аҳолини, фожiali қисматини бутун кескинлиги билан кўрсатишга муваффақ бўлган.

Ҳикояда иқтисодий-маданий қолоқликнинг яна бир фожiali оқибати жоҳилик қуёқ бўёқларда акс эттирилган. Қаллоблик билан савдо-сотик қилаётган даллол бир ночор оиланинг умидсизлигида қолганини тасвирлайди. Демак, “даллол” сотувчига фойда эмас, балки зарар етказди. Қолбуки, у бундай “сотиб усули”ни биргина асар қаҳрамонига эмас, ўша атрофдаги юзлаб бечораларга нисбатан қўлайди.

Болалигимда қўп касал бўлардим: **кизамик, қўқийўтал, безгак...** Шунинг учун ошхонадаги миҳда қўқ қарганинг патидан тортди, гултожхўрозгача илиғлик турарди... Айниқса, **томоқ оғриғи** ёмон кийнайдди. Оёғим захга тегиши билан томоғим оғришга тушади. Оёк билан томоқнинг нима алоқаси борлигини ҳалиям тушунолмайман[5].

Ўткир Ҳошимов асарларидаги “ёркин бўёқ” бу соф инсоний қадриятлар, ўзбекона лутф ва барикенглик, оила, маҳалла-қўй, элат, миллат ва халқ дардининг ифодасидир. Шахсий бирёқламаликни инкор этиб, алоҳида қаҳрамонлар тақдирда бутун халқ учун, миллат учун умумий бўлган муаммоларни акс эттира билиш адиб асарларининг халқчиллигини таъминлаган. Асарда касалликлар халқона усуллар билан даволанганини куйидаги мисоллар орқали изоҳлаб беришга уриниб кўрамиз:

Юрибмиз тупроқдан ташқари! - дейди Наим сартарош йўлида давом этиб. – Овсингиз ҳам тузук. Бели оғриб ётибди. Ойим сидқидилдан маслаҳат беради. – Кепак киздириб боссинлар. Уч қунда сан қўр – ман қўр бўлиб кетадилар. – Босдим. Тупроққаям кўмдим. Фойдаси йўқ. – Наим сартарош сумқасини бепарво силқитиб қўяди. – Ёшлиғидаям **беланги** эди ўзи. Аслида бошқасига уйлансам бўларкан[6].

Асардан олинган куйидаги мисоллар орқали уй шаронтида халқ табобатидан оқилона фойдаланиш усуллари ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

... Ўшанда неча ёшлигим эсимда йўқ. Бирок жуда қичкина эдим. Бир қуни акаларим билан яхмалак ўйнаб терлаб кетдим. Терлаб туриб муз едим. Кечқурун **иситмам** қўтариди. Қув-қув йўталаман. Ойим томоғимни аччиқ тош билан чайиб қўрди, бўлмади, туршак қайнатиб сувини ичирди, бўлмади[7]...

Қузда елкамга яра чиқди. Ойим қизил пиёзни қўрга қўшиб босди. Не азоб билан яра ёрилди-ю, ёнидан яна иккитаси чиқди. Энди пиёз ҳам, хамиртуруш ҳам ёрдам бермай қўйди. Бутун баданимни яра босиб кетди. Тагин хар биттаси тухумдек келади. Охири дадам ойимга “Ачинскага опчикмасанг бўлмайди”, деди. Эртасига ойим мени етаклаб дўхтирхонага оборди[8].

Акам ҳаммаёғни шалаббо бўлиб келди. Болалар билан Қонқусда яхмалак учаётган экан, сирғаниб музнинг ёриғидан анхорга тушиб кетибди. Ўртоқлари амаллаб тортиб олишибди-ю, югуриб уйга етиб келгунча кийимлари тарашадек музлаб қопти. Ойим дарров уни кўрпага ўради. Тоғолча билан туршак кайнатиб ичирди[9].

Бел оғриғига кепак қиздириб босиш, қумга қўмиш, томоқ оғриғига аччиктош билан чайиш, туршак кайнатиб сувини ичиш, ярага қизил пнэзни кўрга қўмиб босиш, хамиртуруш босиш, шамоллашнинг олдини олиш учун тоғолча билан туршак кайнатмасидан фойдаланиш сингари даво усуллари аҳолининг ночорлигини, оддий табобатдан бошқасига имкони йўқлигини, докторга борса, пул тўлаши кераклигини намоён этган. Асардан олинган битта парчада бир нечта касалликлар санаб ўтилган.

Клава холанинг овози бир кун чикмай қолган эди, дарров билди. Сурништрсам, касалхонага тушибди. Буйраги хаста экан[10].

Ушбу мисолда тиббиётда нефрит касаллиги оғзаки нутқда буйрак хасталиги деб берилган. **Нефрит** [юн. nephros – буйрак] – буйрак тузилмаларининг ялиғланиши билан кечадиган касалликлар гуруҳи. Нефритга гломерулонефрит, пиелонефрит, тубулоинтерстициал, ирсий, нефротик синдром ва бошқа(лар) кирди. Нефрит ривожланишига бир қанча патоген микроорганизмлар (бактерия, вируслар), организмнинг совқотиш, иммунитетни қисқартириш ва бошқалар сабаб бўлади. Нефрит, асосан, иммунитет билан боғлиқ касаллик.

Дунёда ҳар хил аблахлик бор. Лекин беморни даволаш учун пора олиш...

– Масалан, мен унақа врачмасман, - деди елкамга кокиб. – Арзимаган нарсаларга бунақа тажанилик қилаверсанг, невротения болиб қоласан. – У кўзимга синчиклаб қаради. – Мабодо юрагинг санчимайдим? Яхшиси, эртага олдимга бор. Бир текшириб қўяман[11].

Юкоридан келтирилган мисол орқали ёзувчи жамиятдаги иллатларни очиб берапти

Аталадан суяк чикибди, дегандек, айни саратонда шамоллаб юрганлими қаранг. Далага чикқандим, анхорда чўмилдим. Қайтишда машинанинг тўрттала ойнасини тушириб қўйганим учунми, кечасин билан иситмалаб, ҳаммаёғим қакшаб чиқди[12].

Бу ерда қахрамоннинг ўз эътиборсизлиги туфайли шамоллаб қолиши, яна иссиқ пайтида шамоллашнинг оғир кечини тафсилотлари қахрамоннинг касаллик кечинмалари орқали очиб берилган.

Энди эсладим! Ахир, бу ўзимизнинг Ориф-ку! Рисолат опанинг ўғли-ку! Ушандаям кўзойнақ тақарди. Жўрабошимиз унга “Шапкўр” деб лақаб қўйган эди[13].

**Шапкўрлик** [форс. – тун, кеча], гемералопия – қоронғида кўриш қобилиятининг бузилиши. Шапкўрлик, кўпинча, туғма бўлиб, болалик ва ўсмирлик даврида, асосан, ўғил болаларда кузатилади, аксарият онлавий-ирсий хусусиятга эга бўлади. Симптоматик шапкўрлик кўзнинг турли органик касалликлари (глаукома, кўрув нерви атрофияси, хориоретинит ва х. к.)да касалликнинг бир белгиси сифатида учрайди. Асардан олинган парчада эса боланинг кўзойнақ такқани учун шундай лақаб қўйилган.

**Рухий касаллик** атамаси остида **асаб** тизимларидаги бузилишлар оқибатида пайдо бўлувчи, жамиятда ўрнашиб қолган меъёрлардан кескин чиқувчи хатти-харакатларга олиб келувчи касаллик тушунилади. **Психик касалликлар**, рухий касалликлар, психозлар – бош миё фаолиятининг бузилишидан келиб чиқадиган касалликлар: рухий фаолиятнинг функционал ўзгаришидан унинг бутунлай бузилишигача бўлган ҳолатлар. Рухий касалликда бемор воқеаликни тўғри

идрок этолмайди, шу жиҳатдан рухий касаллик ички касалликлардан фарқ қилади. Рухий касалликнинг сабаблари хилма-хил, булар орасида ирсий омил (насл) асосий ўрин тутади. Масалан, олигофрения, психопатия, маниакал-депрессив психоз, эпилепсия ва шизофрения келиб чиқишида кишининг насл-насаби муҳим роль ўйнайди. Рухий касалликнинг пайдо бўлиши ва авж олишига инфекцион касалликлар, бош миёнинг шикастланиши, интоксикация, рухий изтироблар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Ушбу таъриф асарда келтирилган парчада ўз аксини топан бўлиб, ўзбек халқининг азалий урф-одаг, анъаналарига таянган ҳолда совчиликка боришдан олдин иккала тарафнинг етти авлоди сўраб суриштирилиши, айниқса, наслдан наслга ўтадиган касалликларга эътибор қаратилиши таъкидланган.

Майли, - деди ниҳоят. – Ростки, сизга юрагимни очдимми, бу ёғиниям айтишим керак. Менинг бувам – даданинг отаси “шз” бўлган.

Нима у “ш”? - дедим дафъатан тушунолмади. – **Шезофрения** касаллиги. **Рухий хасталик**ни тиббиётда шунақа дейилади. Бу – наслга ўтадиган дард. Ота авлодида бўлса ўғилгами, неварамми, ҳуллас, қимгадир ўтади.

Қизик экансиз, - дедим уни юпатиб. – Врачлар ваҳимачирик бўлади ўзи! Ўтмас-чи!

Ўтса-чи! - Ислому махзун қиёфада бошини қуйи солди. – Мен-ку майли, Назирада нима айб? **Рухий хаста** бола билан умрбод эзилиб юрадимми?! Яна алланамалар деб кўнглини қўтарган бўлдим. Ислому махзунлик билан жилмайиб ўтирди-да, индамай чикиб кетди. “Пиншмайдиغان савдога ўхшайди. Уруғида **жинни** бор экан. Тўлаганхўжанинг қатта амакиси уч-тўрт марта жиннихонага тушган экан[14].

Онанинг хомилдорлик пайтида касалланиши ёки шикастланиши сабабли хомиланинг зарарланиши боланинг рухий ривожланишдан орқада қолишига, эпилепсия ва бошқа рухий ўзгаришларга олиб келади. Сурункали алкоғолизм ва наркомания ҳам аста-секинлик билан кишида рухий касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Рухий касалликнинг вужудга келишида касалликка сабаб бўладиган омиллардан ташқари, кишининг бошидан кечирган касалликлари (масалан, миё шикастланиши, алкоғолдан заҳарланиш, ички аъзолар касалликлари, наслида рухий касаллик борлиги ва х.к.) ҳам ахамиятга эга.

Мабодо авлодидан ўғримми, нашавандим чиқмаганми? – Беихтиёр оғзимдан онамининг саволи чикиб кетди. Гули бирдан жиддий тортиди. Қошини чимирди. – Нима деганингиз бу? – Жинни-чи? Мабодо қариндош-уруғларидан рухий касаллар йўқми? Суриштириб кўринг. Гули кўзимга тикилиб турди-да, секин-секин орқасига тисарила бошлади. Нарироққа бориб бирдан югуриб кетди. Чамаси мени, эсан оғиб қолган, деб ўйлади[15].

Умуман олганда, гуманитар фанлар, хусусан адабиёт, касалликнинг илмий тавсифида унинг субъектив тажрибасини ўз ичига олмастлигига жуда сезгир бўлган. Тиббиёт – илмий ёрдам берадиган, аммо унга ҳеч қандай ўхшаш бўлмаган ижтимоий амалиёт. Адабиёт ва санъат рамзий макон яратади, унда касаллик ва соғлиқ, касаллик ёки соғлиқ хисси, азоб-уқубатлар ва даволаниш ниятлари акс эттирилган ва бошқа маданий тушунчалар билан боғлиқ бўлган. Беморни унинг касал бўлишининг объектив ва субъектив ўлчовларида тушуниш учун фалсафа ва адабиётларда хушқўшни шакллантириш, ҳамдардликни ривожлантириш ва маъносини тушуниш, шунингдек, тушунча ва сўз бойлигини бойитиш талаб этилади. Касалликнинг маъносини изламаслик мумкин, аммо асосий касалликлардан азият чекадиган одамлар ўз ҳаётларини ўзгартириб, келажак учун янги экзистенциал

маъно излашларига тўғри келади. Бошқа мураккаб мавзуларда бўлгани каби, касаллик ҳам бизга хавфсиз масофада туришимизда имкон яратади. Биз ҳаёлий характерни кўрмоқдамиз, ҳар қандай касал одам бу катъий қарорларни қабул қилади ва натижалари қандай бўлишини узокдан гувоҳлик беради. Ушбу тажриба қарор қилишга ёки касал бўлганда инсон ўз тақдирини ўзи осонликча ҳал қилишга имкон беради. Бизнинг онгимиз ўша кийин пайтларда бизни бошқаришга ёрдам берадиган

хикоялар билан тўлдирилган. Шу нуқтан назардан, бадний адабиёт тақдим этадиган масофа унинг потенциал фойдаси учун зарурдир. Биз қачон китобни севиб ўқиймиз? Унда таниш қисматлар акс этган бўлса, қахрамонлар билан дарддош, бахтдош бўла оلسакгина. Шу жihatдан олиб қараганда, Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” китобини ўқувчилар қалбидан чуқур ўрин эгаллаган асардир.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Downie RS: Literature and medicine. Journal of Medical Ethics. 1991, 17: 93-96, 98.
2. O'tkir Hoshimov, Dunyoning ishlari.M., 2018;"O'qituvchi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. M.Is'hoqov, Toshkent-2006– Б.18.
3. O'tkir Hoshimov, Dunyoning ishlari.M., 2018;"O'qituvchi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. M.Is'hoqov, Toshkent-2006
4. O'tkir Hoshimov, Dunyoning ishlari.M., 2018;"O'qituvchi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. M.Is'hoqov, Toshkent-2006
5. O'tkir Hoshimov, Dunyoning ishlari.M., 2018;"O'qituvchi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. M.Is'hoqov, Toshkent-2006 – Б.14.
6. O'tkir Hoshimov, Dunyoning ishlari.M., 2018;"O'qituvchi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. M.Is'hoqov, Toshkent-2006 – Б. 146
7. O'tkir Hoshimov, Dunyoning ishlari.M., 2018;"O'qituvchi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. M.Is'hoqov, Toshkent-2006
8. O'tkir Hoshimov, Dunyoning ishlari.M., 2018;"O'qituvchi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. M.Is'hoqov, Toshkent-2006 – Б. 99
9. O'tkir Hoshimov, Dunyoning ishlari.M., 2018;"O'qituvchi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. M.Is'hoqov, Toshkent— Б. 100
10. O'tkir Hoshimov, Dunyoning ishlari.M., 2018;"O'qituvchi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. M.Is'hoqov, Toshkent-2006 – Б.95.
11. O'tkir Hoshimov, Dunyoning ishlari.M., 2018;"O'qituvchi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. M.Is'hoqov, Toshkent-2006– Б.98.
12. O'tkir Hoshimov, Dunyoning ishlari.M., 2018;"O'qituvchi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. M.Is'hoqov, Toshkent-2006 – Б.202.
13. O'tkir Hoshimov, Dunyoning ishlari.M., 2018;"O'qituvchi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. M.Is'hoqov, Toshkent-2006 – Б.205.
14. O'tkir Hoshimov, Dunyoning ishlari.M., 2018;"O'qituvchi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. M.Is'hoqov, Toshkent-2006. – Б.66.
15. O'tkir Hoshimov, Dunyoning ishlari.M., 2018;"O'qituvchi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. M.Is'hoqov, Toshkent-2006.. – Б.65.